

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ХУЖАКЕЛДИЕВ КОМИЛ НОСИРОВИЧ

**ЭРОЗИЯГА УЧРАГАН ХУДУДЛАРДА ЕР ТУЗИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(Қашқадарё вилояти материаллари мисолида)

06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФАРАТИ**

Тошкент-2021

УДК: 631.1:332.2:631.459(575.152) (043.3)

**Техника фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Хужакелдиев Комил Носирович

«Эрозияга учраган худудларда ер тузишни такомиллаштириш»
(Қашқадарё вилояти материаллари мисолида)..... 3

Хужакелдиев Комил Носирович

«Совершенствование землеустройства на территориях, подтвержденных
эрозии» (на материалах Кашкадарьинской области)..... 23

Khujakeldiev Komil

“Improving land management in eroded areas ”(on the example of materials
Kashkadarya region)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 46

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ХУЖАКЕЛДИЕВ КОМИЛ НОСИРОВИЧ

**ЭРОЗИЯГА УЧРАГАН ХУДУДЛАРДА ЕР ТУЗИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(Қашқадарё вилояти материаллари мисолида)

06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФАРАТИ**

Тошкент-2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В.2020.4.PhD/Т2033 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Авезбаев Садулла
иктисод фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Суюнов Абдусоли Саматович
техника фанлари доктори, профессор

Хамидов Файзулло Рамазанович
техника фанлари фалсафа доктори (PhD), доцент.

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc. 03/30.12.2019.Т.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2021 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (+99871) 237-22-67, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz)

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.:(+99871) 237-19-45. e-mail: admin@tiame.uz

Диссертация автореферати 2021 йил _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.З.Султанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.
профессор

Ф.А.Гаппаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.д. доцент

Э.Ю.Сафаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда эрозияга учраган ҳудудларда мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш учун ресурс тежамкор технологияларни қўллаш етакчи ўринни эгалламоқда. Дунё миқёсида эрозияга учраган ҳудудларда ердан самарали фойдаланишни ташкил этиш ер тузиш лойиҳаларини тузишнинг янги усулларини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Бу борада, ривожланган хорижий мамлакатларда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, эрозияга учраган ерларни муҳофаза қилиш усулларини инobatга олган ҳолда ер тузиш ишларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, эрозияга учраган ерларда суғориш участкаларини лойиҳалашнинг илғор замонавий усулларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, ер тузиш лойиҳаларида эрозияга учраган ва эрозия хавфи бор ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерларидан оптимал фойдаланишни ташкил этишнинг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда жумладан, сув ва шамол эрозияси хавфи мавжуд бўлган ҳудудларда атроф-муҳитнинг зарарли таъсирини камайтириш, табиий ва иқтисодий шароитларни ҳамда ерларни эрозиядан ҳимоя қилиш талабларини инobatга олган ҳолда ҳар бир ер участкасидан самарали фойдаланиш усулларини такомиллаштириш, ер тузишда эрозиянинг олдини олиш имконини берадиган геотизим мажмуаларини ишлаб чиқиш, ердан самарали фойдаланиш, тупроқларни эрозиядан ҳимоя қилиш, ерларнинг маҳсулдорлигини ошириш имконини берадиган технологияларни яратиш долзарб ҳисобланади. Бу борада, ердан фойдаланувчиларга бириктириладиган ер турлари таркибини ва уларни оптималлаштиришга йўналтирилган усулларни аниқлашда иш самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда эрозияга учраган ҳудудларда ўтказиладиган ер тузиш ишларини такомиллаштириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш учун ер тузиш лойиҳаларида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ресурсларини тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалиги ерларида эрозия жараёнлари ривожланишининг олдини олиш усулларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПФ-5065-сон «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Соҳага тегишли илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, эрозия жараёнлари ва уларнинг вужудга келиши хусусиятларини аниқлаш бўйича чет эл олимлари қатори республикамизда ҳам илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бинобарин эрозияга учраган ҳудудларда ердан самарали фойдаланишни ташкил этишни юритиш жиҳатларини назарий ва услубий асосларини чет эл олимларидан Westarp S., H.Schreier, T.G.Mueller, F.J.Pierce, I.A.Nalder, R.W.Wein, Z.Bai, H.Yang, J.K.Sayers, A.E. Jonson ва бошқалар тадқиқ этишган. Шунингдек, М.А.Гендельман, С.А.Удачин, И.Н.Бурихин, В.Н.Хлыстун, В.Д. Кирюхин, Н.Г.Конокотин, М.С.Кузнецов, В.В.Пронин ва бошқа олимлар эрозияга учраган ҳудудларда ер тузишни назарий ва услубий асосларини тадқиқ этган бўлса, эрозияга учраган ерларни ҳудудий ташкил этишнинг назарий ва услубий асосларини С.Н.Волков, Н.Г.Конокотин ва бошқалар ишлаб чиқишган.

Ўзбекистонда эрозияга учраган ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш, ер тузиш лойиҳаларида оптималлаштириш масалаларига оид илмий тадқиқотлар А.Т.Абдураззоқов, С.Авезбаев, А.Алтиев, Ў.П.Умурзаков, М.Хамидов, А.С.Чертовицкий, Қ.Мирзажонов ва бошқа маҳаллий олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган ҳамда, Ўзбекистонда тупроқ эрозиясини келиб чиқиш сабаблари, турлари, уларни бартараф этиш усулларига оид илмий тадқиқотлар В.Б.Гуссак, М.А.Панков,

З.Н.Антошина, Ф.К.Кочерга, М.Б.Дошанов, Р.Г.Муродова, К.Мирзажонов, Х.М.Махсудов, Л.А.Гафурова, А.А.Хонназаров, Ш.Нурматов, С.П.Сучков, Н.Ф.Матюнин, Х.Хамдамов, С.М.Елюбаев, А.Нигматов, Б.Жўраев, К.Усмонов, М.Хамидов, С.Мейлибаев, О.Ҳақбердиев, В.Н.Ли, Б.Аҳмедов ва бошқа олимлар изланишларида олиб борганлар ва ижобий натижаларга эришганлар.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли минтақаларида, мазкур тадқиқотлар натижасида эрозияга учраган ҳудудларда шамолнинг тезлиги, тупроқларнинг шўрланиш даражаси, нишабликларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда суғориш участкаларни лойиҳалашни тадқиқ қилиш асосида ер тузиш лойиҳасини ишлаш технологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли, эрозияга учраган ҳудудларда ер тузишни такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг № 6. «Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш усулларини такомиллаштириш асослари» (2012-2015, 2016-2020 йй.) мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ер тузиш лойиҳаларида эрозияга учраган ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни ташкил этиш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эрозияга учраган ҳудудларда махсус алмашлаб экиш схемаларини жорий этиш ҳамда ер турларини оптималлаш усулини такомиллаштириш;

шамол эрозияси мавжуд ҳудудларда суғориш участкаларини лойиҳалаш усулини қайта ишлаб чиқиш;

сув эрозияси мавжуд ҳудудларда суғориш участкаларини лойиҳалаш усулини аниқлаш;

суғориладиган ерларнинг шўрланишини олдини олиш мақсадида сув тежамкор суғориш технологиясини қўллаш усулини тавсия қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилоятининг эрозияга учраган ерлари ва ердан фойдаланувчилар олинган.

Тадқиқотнинг предмети эрозияга учраган ҳудудларда ер турларини, далаларни ва суғориш участкаларини жойлаштириш усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида иқтисодий-статистик, иқтисодий-математик, қиёсий таҳлил, монографик ва бошқа усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эрозияга учраган ҳудудлар учун ишланадиган ер тузиш лойиҳаларида ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви қайта кўриб чиқиш, махсус алмашлаб экиш схемаларини жорий этиш асосида қишлоқ хўжалик ер турларини оптималлаш усули такомиллаштирилган.

шамол эрозияси мавжуд ҳудудларда шамолнинг тезлиги ва эсиш

йўналишларини инобатга олган ҳолда суғориш участкаларини лойиҳалаш усули қайта ишлаб чиқилган.

сув эрозияси мавжуд ҳудудларда жойнинг рельефи, тупроқларнинг механик таркиби ва сув ўтказувчанлигини инобатга олган ҳолда суғориш участкаларини лойиҳалаш усули аниқланган.

ерларнинг шўрланиш даражасига таъсир кўрсатувчи ер ости сувларининг чуқурлиги ва дренажлар орасидаги масофани инобатга олган ҳолда сув тежамкор суғориш технологиясини қўллаш усули тавсия қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

эрозияга учраган ҳудудлар учун ер тузиш лойиҳаларини ишлашнинг такомиллаштирилган усули тавсия этилган;

эрозияга учраган ҳудудлардаги қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларини ташкил этиш лойиҳаларини ишлашда эрозия турлари ва даражасини ҳисобга олган ҳолда суғориш участкаларини жойлаштириш усуллари тавсия этилган;

эрозияга учраган ерларда ер тузиш лойиҳаларини ишлашда эрозия тури ва даражасидан келиб чиқиб, ер турларини ва майдонларини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишочлилиги эрозияга учраган ҳудудлар учун ишланадиган ер тузиш лойиҳаларида умумий қабул қилинган услублар, изланишларнинг услубий ёндошуви ва фойдаланилган ахборотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, натижалари амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шамол, сув эрозиясига учраган ва шўрланган ҳудудларда суғориш участкаларини лойиҳалашнинг янги усулининг ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот ишларининг амалий аҳамияти эрозияга учраган ҳудудларда эрозия ва шўрланишнинг салбий таъсирини ирригация ва мелиорация тармоқларини ва ихота дарахтларини оптимал жойлаштириш ҳисобига камайтириш ва ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эрозияга учраган ҳудудларда ер тузишни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

эрозияга учраган ҳудудлар учун ишланган ер тузиш лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги тасарруфидаги Қашқадарё вилояти Нишон тумани ер ресурслари ва давлат кадастр бўлимида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 26 декабрдаги 02/022-4635 сон маълумотномаси). Натижада эрозияга учраган ҳудудларда ер тузиш ишлари яхшиланган, ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконияти яратилган;

шамол эрозиясига учраган ерларда суғориш участкаларини лойиҳалаш усуллари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги таркибидаги

«Ўздаверлойиха» давлат илмий-лойихалаш институти «Қашвилерлойиха» бўлимида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 26 декабрдаги 02/022-4635 сон маълумотномаси). Натижада эрозияга учраган ҳудудларда ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика, 2 таси Scopus маълумотлар базасига кирган хорижий журналларда нашр этилган

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш рўйхати келтирилган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Эрозияга учраган ерлардан фойдаланиш”** деб номланган биринчи бобида ер тузишни лойиҳалашнинг услубий масалалари, эрозия хавфи бор ҳудудларда ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этишнинг жаҳон тажрибаси, тупроқ эрозияси турлари ва объектнинг географик ўрни ва ҳудуд тўғрисидаги умумий маълумотлар таҳлил қилинган.

Республикада олиб борилаётган аграр ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан эрозияга учраган ерлардан фойдаланишнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича жаҳонда бой тажриба орттирилган.

Тупроқ эрозияси ва унга қарши кураш бўйича ҳозирги кунда дунёнинг кўпгина ривожланган давлатларида илмий ишлар олиб борилмоқда. Westarp S., H.Schreier, T.G. Mueller, F.J.Pierce, I.A.Nalder, R.W.Wein, Z.Bai, H.Yang ва J.K.Sayers, A.E. Jonson каби олимлар монография ва мақолаларида эрозия жараёнларини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаб баҳолаганлар

ва унга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиққанлар.

Жамият ўзининг ривожланиш тарихида 2 млрд. га ерни ишдан чиқарган. Фақатгина сув ва шамол таъсирида, қум босиш ва шўрланиш оқибатида ҳар йили ер юзида 6-7 млн. га ер фойдаланишдан чиқиб кетмоқда. Бу ҳолат ҳақли равишда мутахассисларни ташвишга солмоқда.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни умумлаштириш натижалари шуни кўрсатадики, Хитойда ерларнинг унумдорлигини оширишда бозор механизмлари ва маъмурий усуллардан биргаликда фойдаланиш устувор ўринга эга. Бу эса ўз самарасини намоён қилмоқда ва сўнгги йилларда Хитой аграр маҳсулотлар ишлаб чиқаришда сезиларли ютуқларга эришди.

Россия Федерациясида қишлоқ хўжалиги ерларининг 17,8 % эрозияга чалинган бўлиб, шу жумладан шамол эрозияси 8,4 % ташкил этади. Сув ва шамол эрозияси қишлоқ хўжалиги ерларининг 2,4 % таъсир кўрсатади. Сув эрозияси асосан Волга бўйи (50,0%), Жанубий (24,3%) ва Марказий (12,4%) федерал округларида кенг тарқалган бўлса, шамол эрозияси Сибир, Жанубий ва Волга бўйи федерал округларида кўпроқ тарқалган.

АҚШ қишлоқ хўжалиги вазирлигида Давлат тупроқ хизмати фаолият юритади. Унинг асосий вазифаси тупроқ унумдорлиги мониторингини юритишдан иборат. Бу ташкилот томонидан аниқ ер участкалари учун муайян технологиялар ишлаб чиқилган бўлиб, бу технологиялар тупроқ унумдорлигининг пасайиб кетишига йўл қўймайди. АҚШда ер унумдорлигини ошириб боришнинг аниқ механизми ишлаб чиқилган.

Ҳиндистонда барча экин майдонларининг 25 % - 30 % кучли эрозияга учраган ерлардир. ФАО мутахассисларининг фикрига кўра, агар тупроқни ҳимоялаш бўйича самарали чора-тадбирлар ишлари амалга оширилмаса, фақат Осиё, Африка ва Лотин Америкасида ривожланаётган мамлакатларда деградацияга учраган ерларнинг майдони келажакда 500 млн га ортиқ бўлиши мумкин.

Буюк Британияда 1968 й март ойида 6 кун давом этган кучли шамол, тахминан 9000 га майдонда (жами зарар 1 млн фунт стерлинг) тупроқ қатламини йўқ қилишга сабаб бўлган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида тупроқ эрозияси энг долзарб муаммолардан ҳисобланиб, унинг тарқалиши, келиб чиқиш сабаблари, турлари, бартараф этиш усуллари бўйича бир қатор етук олимлар ўзларининг илмий изланишларини олиб боришган. Хусусан, В.Б.Гуссак, М.А.Панков, З.Н.Антошина, Ф.К.Кочерга, М.Б.Дошанов, Р.Г.Муродова, К.Мирзажонов, Х.М.Махсудов, Л.А.Гафурова, А.А.Хонназаров, Ш.Нурматов, С.П.Сучков, Н.Ф.Матюнин, Х.Хамдамов, С.М.Елюбаев, А.Нигматов, Б.Жўраев, К.Усмонов, М.Хамидов, С.Мейлибаев, О.Ҳақбердиев, В.Н.Ли, Б.Аҳмедов ва бошқа кўплаб олимлар томонидан республикаимиз ҳудудларида эрозия жараёни етарлича ўрганилган ва ушбу жараённи бартараф этишнинг илмий асослари ишлаб чиқилган.

2020 й. 1 январь ҳолатига кўра Қашқадарё вилоятининг умумий ер фонди 2856,799 минг га ташкил этади. Вилоят ер фондининг тоифалар кесимидаги майдони 1–жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Қашқадарё вилоятида ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиши

Т/р	Ер фондининг тоифалари	Умумий ер майдони (минг га)		Шу жумладан, суғориладиган ерлар (минг га)	
		Жами	% ҳисобида	Жами	%, ҳисобида
1	2	3	4	5	6
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	2324,6	81,4	415,73	17,9
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	11,5	0,4	3,92	0,54
3	Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган	67,0	2,3	0,23	0,05
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	0,03	0,001	-	-
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	2,6	0,1	0,004	
6	Ўрмон фонди ерлари	410,2	14,4	3,2	0,78
7	Сув фонди ерлари	37,1	1,3	0,2	0,54
8	Заҳира ерлар	3,8	0,1		
	Жами ерлар:	2856,8	100	490,1	19,81

**Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри маълумотлари асосида ҳисобланган.*

Диссертациянинг “Эрозияга қарши тадбирлар тизимини яратиш” деб номланган иккинчи бобида Қашқадарё вилоятида эрозия хавфи бор ерлар ва улардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, ер тузиш тадбирларини ишлаб чиқиш орқали ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари белгилаб берилган.

Вилоятнинг тоғ, тоғолди ва текислик ҳудудларида эрозия жараёнини келтириб чиқарувчи асосий омиллар - мураккаб рельеф тузилиши, баҳорги-кузги ёмғирларнинг жала шаклида ёғиши, тупроқларнинг ноқулай сув-физик хоссалари ва механик таркиби, тупроқ ҳосил қилувчи жинсларнинг осон бузилиши ва емирилиши, нотўғри шудгорлаш ва ҳайдаш, алмашлаб экишдаги кўп йиллик ўтлар улушининг камлиги, эрозияга қарши тадбирлар комплексининг ўз вақтида ва етарлича қўлланилмаслиги ҳисобланади.

Жаҳонда ва республикада бир қатор олимлар томонидан ўтказилган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари натижаларидан маълумки, тупроқлар ҳосилдорлигининг пасайишига сабаб бўладиган омиллардан бири ирригация эрозияси ҳисобланади. Вилоятда ирригация эрозиясига учраган ерларнинг


умумий майдони 159766 га бўлиб, унинг туманлар кесимидаги кўрсаткичлари 2–жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Қашқадарё вилояти туманлари кесимида суғориладиган ерларнинг тупроқ ювилиши бўйича тавсифи*

№	Туманлар номи	Ирригация эрозиясига учраган ерлар, га	Шу жумладан, га		
			Кучсиз ювилган	Ўртача ювилган	Кучли ювилган
1	2	3	4	5	6
1	Миришкор	36366	200,0	-	-
2	Ғузур	2097	100,0	-	-
3	Деҳқонобод	967	24,7	49,0	26,3
4	Қамаши	6378	67,6	31,1	1,3
5	Қарши	18694	91,5	8,5	-
6	Косон	16383	86,1	13,9	-
7	Касби	20969	100,0	-	-
8	Китоб	2477	54,7	29,2	16,1
9	Муборак	11911	68,0	30,4	1,6
10	Нишон	19702	84,2	11,5	4,3
11	Чироқчи	8995	62,8	27,2	10,0
12	Шаҳрисабз	4756	90,6	7,8	1,6
13	Яккабоғ	10071	97,7	2,1	0,2
	Вилоят бўйича	159766	1127,9	210,7	61,4

*Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маълумотлари асосида тузилган



1-расм. Иҳота дарахтлари тизимини жойлаштириш

Ер тузиш лойиҳасининг асосий вазифаси қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳудудини эрозияга қарши ташкил этиш ҳисобланади. Чунки унинг натижасида тупроқни ҳимоялашни амалга ошириш учун ташкилий-ҳудудий асос яратилади. Лойиҳада оқим чизиқларини ва зарарли шамоллар йўналишларини ҳисобга олиб ўрмон полосалари, тупроқни ҳимоя қилувчи тадбирлар мажмуаларини жойлаштириш мўлжалланади (1-расм).

Иҳота дарахтлари тупроқнинг шўрланиш ва ботқоқланиш даражаларига қараб танланади. Шўр ерларда оқ акация, жийда, қайрағоч, тут, ботқоқланишга мойил ерларда эса тол, терак, эман, чинор дарахтларини экиш мумкин. Иҳота ўрмонзорлар 8-10 йилда вояга етиб тупроқ ва экинларни шамолдан сақлайди. Дарахтлар вояга етгунча, тупроқ ва экинларни шамол таъсиридан сақлаш учун ва ундан кейин тупроқ унумдорлигини ошириш ва эрозияга учраган ерлардан самарали фойдаланиш учун агромелиоратив тадбирлар қўлланилади (3-жадвал).

3-жадвал

Шамол тезлиги ва тупроқ механик таркибига кўра иҳота дарахтлари полосалари ўртасидаги масофа, м (Қ.Мирзажонов маълумотлари)

Шамолнинг тезлиги	Тупроқнинг механик таркибига кўра			Қаторлар сони
	Қумлоқ ва қумоқ	Енгил ва ўрта соз	Оғир соз, лой	
Кучсиз (< 5 м/с)	450-500	450-500	450-500	2
Ўртача (5-15 м/с)	200	250-300	350-400	3
Кучли (> 15 м/с)	100-150	200	250-300	4

Ҳимояловчи иҳота дарахтлари нафақат экинларни шамол таъсиридан ҳимоя қилади, ҳимоя ҳудудидаги ҳаво ҳарорати ва ҳаво намлигига ижобий таъсир кўрсатади. Муҳофазаловчи иҳота дарахтларининг ҳаво ҳарорати ва ҳаво намлигига ижобий таъсири натижасида қулай микро иқлим вужудга келади ва у ҳам экинлар ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг “Эрозияга учраган ва эрозия хавфи бор ҳудудларда ер тузиш лойиҳаларини ишлаш усулларини такомиллаштириш” деб номланган учинчи бобида ер тузиш лойиҳаси ишланган. Ер турлари ва алмашлаб экиш массивларини ҳудуднинг эрозияга хавфлилик даражасини ҳисобга олиб жойлаштириш масалалари, суғориш участкаларини лойиҳалашда сув тежовчи технологияларни қўллаш масалалари асосланган.

Хўжалик ер турларини белгилаш ва алмашлаб экишни ташкил қилиш хўжаликда ер тузиш лойиҳасининг асосий қисмларидан бири бўлиб, у қишлоқ хўжалик корхонасида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш билан ажралмас боғлиқ. Хўжаликда ер турлари таркибини белгилаш ва алмашлаб экишни ташкил қилишнинг асосий вазифаси ҳар бир гектар фойдаланиладиган ер майдонидан минимал зарурий харажатлар ёрдамида максимал ҳажмдаги, юқори сифатли бозор талаб қиладиган маҳсулот етиштириш учун ер майдонларини мослаш ва ишлаб чиқариш учун қулай ҳудудий шароит яратиш ҳисобланади.

Қашқадарё вилоятида эрозия хавфи бор ҳудудларда ер тузиш лойиҳаси

биз тавсия этаётган услубиятга асосан Нишон туманидаги У.Юсупов номли массив фермер хўжаликлари учун тузилди (4-жадвал).

Массив худудидида 2019 й 50 фермер хўжалиги, шу жумладан 40 пахта-ғаллачилик, 2 ғалла-сабзавотчилик, 3 боғдорчилик, 5 чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатган.

Қишлоқ хўжалик корхонасида хўжаликда ички ер тузишнинг асосий вазибаларидан бири ер турлари ва алмашлаб экишни ташкил этиш ҳисобланади. Ер турларини ва алмашлаб экишни ташкил этиш бир неча ажралмас боғлиқ масалаларини ечишни тақозо этади.

4-жадвал

У.Юсупов номли массивининг ер фонди

Т/р	Ер турлари	Майдони,га		
		Жами	Умумий майдонга нисбатан, %	Қ/хўжалик ерларига нисбатан, %
1	2	3	4	5
1.	Ҳайдалма ерлар: Ш.ж:суғориладиган	3055.62	74.75	91.21
2.	Дарахтзорлар,жами:	70.61	1.72	2,10
	боғлар	25.81	0,63	0,77
	узумзорлар	7.8	0,19	0,23
	тутзорлар	37.0	0,90	1,10
3	Бўз ер	108.1	2.64	3.23
4	Яйловлар	116.06	2.84	3.48
	Жами қишлоқ хўжалик ерлари	3350.39	81.96	100
5	Томорқа ерлари жами:	174.1	4.26	
	Ш.ж: дала томорқа	2.9		
6	Иҳота дарахтзорлари	15.1	0.38	
7	Ариқ канал ва зовурлар	369.3	9.03	
8	Йўллар	70.9	1.73	
9	Қурилишлар, ва майдонлар	100.8	2.47	
10	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар	7.1	0.17	
	Жами массив ерлари	4087.69	100.0	

Ер турлари ва алмашлаб экишни ташкил этишнинг асосий мақсади ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олиш асосида, ердан фойдаланиш интенсивлигини ошириш ва самарадорлигини ўстириш ҳисобланади. Бунда экологик талабларга қаттиқ риоя қилиш керак, сабаби, акс ҳолда тупроқлар унумдорлиги пасаяди, уларда эрозия ва бузилиш жараёнлари ривожланади.

Пахтачилик йўналишидаги қишлоқ хўжалик корхоналарида ёрдамчи,

сердаромад тармоқлардан бири ипакчиликдир. Ипакчиликнинг аҳамияти фақат пилла етиштириш билан чекланиб қолмайди. Йўл ва ариқлар бўйича экилган тут дарахтлари далаларни шамол ва чанг-тўзонлардан ҳимоя қилиб, экинларнинг ҳосилдорлиги ошишига замин яратади. Улар ўзлари учун махсус ер майдонлари ажратишни талаб қилмай, қўшимча даромад келтиради.

Пилла етиштириш ҳажми бозор талабига ва массивнинг имкониятларига қараб аниқланади. Бажарилган ҳисоб-китоблар массив ҳудудида мавжуд бўлган 37.0 га тутзорлар режалаштирилаётган пилла маҳсулотини етиштириш учун етарли эканлигини кўрсатди.

Боғ ва узумзорлар майдонлари ҳам бозор талабига қараб аниқланади. Ер тузиш лойиҳасини тузиш жараёнида пахтачилик хўжаликларида боғ ва узумзорлар майдони пахтачилик учун балл бонитетлари 40-50 баллдан паст бўлган ерлар майдонидан келиб чиқиб аниқлаш тавсия этилади.

Шу сабабли, массив ҳудудидаги унумдорлиги паст, ер ости сувлари чуқур жойлашган (2-3м) 60,80,171,178,181а контурларда 25.81 га ерда жойлашган боғ ва 7.8 га узумзорлар майдонларини қолдиришни, лекин навларини сердаромад интенсив навларга алмаштириш тавсия қилинди. Мевали дарахтлар ва сабзовот экинлари экиш мумкин бўлмаган 241-контурда эса балиқчилик ҳовузини ташкил этиш тавсия қилинган. Шу билан бир қаторда, боғдорчилик-узумчилик, сабзовот, полиз ва картошка экинлари экиладиган ҳудудда етиштириладиган маҳсулотларни қайта ишловчи цехлар қурилиши ҳам лойиҳаланган. Лойиҳада ерларни тупроқ эрозиясидан ҳимоя қилиш учун мавжуд 15.1 га майдонга қўшимча 16.2 га ихота дарахтлари барпо қилиниши ҳам режалаштирилди.

Ер турларини жойлаштириш. Ер турларини жойлаштиришда кўзда тутиладиган асосий мақсад массив ерларидан тўла ва самарали фойдаланишни таъминлаш, табиатни ва ерни муҳофаза қилиш учун шароит яратишдан иборат. Ер турларини жойлаштиришда ҳудуднинг иқлими, рельефи, тупроқ ва географик шароити, массив марказлари ва ишлаб чиқариш бўлимларининг жойлашувини ҳисобга олиш керак. Транспорт харажатларини камайтириш мақсадида, кўп юк ҳосил бўладиган ер турларини аҳоли яшаш жойларига яқин жойлаштириш керак.


Ер турларини жойлаштириш дарахтзорларни жойлаштиришдан бошланади. Бунда биринчи навбатда боғлар, узумзорлар ва тутзорлар жойлаштирилади. Мевали дарахтлар ва узумларнинг яхши ривожланиши кўп жиҳатдан уларга ер майдонларини тўғри ажратишга, нав ва турларни тўғри танлашга ва уларни жойлаштиришга, кўчатлар сифатига, уларни тўғри ўтқозишга ва кейинги парваришга боғлиқ.

Ҳайдалма ерлар майдони ($P_{кф}$) келажакда фойдаланиладиган ерлар майдонидан фойдаланилмайдиган ер турлари ($P_{фе}$) майдонларини айириш орқали ҳисобланади.

$$P_{кф} = P_{ум} - P_{фе} \quad (1)$$

Ер тузиш лойиҳасида 64 фермер хўжалиги, шу жумладан, 34 та пахта-ғаллачилик, 4 та ғалла-сабзавотчилик, 3 та боғдорчилик, 22 та чорвачилик ва 1 та паррандачилик йўналишида фермер хўжалиги жойлаштирилди (2-расм)


**Нишон туманидаги У. Юсупов номли
массивнинг ички ер тузиш
ЛОЙИХАСИ**



**2-расм. Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги У.Юсупов номли
массивнинг ер тузиш лойиҳаси**

Далалар ва суғориш участкаларини лойиҳалаш массив ҳудудида ер турлари ва алмашлаб экиш майдонлари жойлаштирилгандан сўнг ҳар бир алмашлаб экиш массиви ҳудуди ташкил этилади ва унда суғориш (ишчи) участкалари, далалар, дала йўллари, ихота дарахтлари жойлаштирилади.

Суғориш участкаларининг майдони бўйича рационал ўлчамини аниқлашга қуйидагилар таъсир қилади: тупроқнинг механик таркиби ва шўрланиш даражаси, коллектор - дренаж ва суғориш тармоғининг жойлашуви, шунингдек суғориладиган ер юзасини текислаш харажатлари. Шўрланган ерларда очиқ дренажлардан фойдаланганда, дренажлар орасидаги илмий асосланган масофа суғориш участкаси майдонини аниқлайдиган энг муҳим элементлардан биридир (3- расм).



бу ерда: A- суғориш участкасининг узунлиги, м; B-суғориш участкасининг кенлиги, м; L-дренажлар орасидаги масофа, м.
3-расм. Шўрланган ерларда коллектор-дренаж тармоғини суғориш тармоғи билан бирлаштириш схемаси

Шўрланган ерларда дренажлар доимий ёки вақтинча ишлайдиган иккита кўшни суғориш ариғи ўртасида бўлиши керак. Дренаж тармоғини суғориш тармоғи билан бирлаштиришнинг ушбу схемаси ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқишда кенг қўлланилади.

5 - жадвалда пахтачилик хўжаликлари учун В.М. Легостаев тавсияси бўйича дренажлар орасидаги тахминий масофалар кўрсатилган.

5-жадвал

2-2,5 м чуқурликдаги дренажлар орасидаги тахминий масофалар

Тупроқнинг шўрланиш даражаси	Ер ости сувларининг чуқурлиги, м		Дренажлар орасидаги масофа, "L", м		
	Суғоришдан ва ювишдан олдин	Ювишдан кейин	Оғир тупроқ	Ўрта тупроқ	Енгил тупроқ
1	2	3	4	5	6
Кучсиз	2-3	1-2	400-600		
Ўрта ва кучли	2-3	1-2	250-300	300-400	400-600
Кучсиз	1-2	1-2	300-400	400-500	500-600
Ўрта ва кучли	1-2	1-2	200-250	250-300	300-400
Кучсиз	0-1	1-2	150-200	200-250	250-350
Ўрта ва кучли	0-1	1-2	100-150	150-200	200-300

6-жадвал ёрдамида дренажлар орасидаги масофани аниқлаб, суғориладиган майдоннинг кенглигини ($B = \frac{L}{2}$), сўнг унинг майдонини куйидаги ифода бўйича ҳисоблаш мумкин:

$$P = \frac{B^2 K}{10000} \quad (2)$$

бу ерда: К – дала узунлигининг кенглигига нисбати

$$\left(K = \frac{A}{B} \right) \quad (3)$$

Ушбу формула ёрдамида, 6-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, шўрланиш даражаси, ер ости сувлари чуқурлиги ва тупроғи механик таркиби билан фарқланадиган суғориш участкаларининг оптимал ўлчамлари аниқланди (6-жадвал).

Суғориш далаларининг оптимал ўлчамлари

Тупроқнинг шўрланиш даражаси	Ер ости сувларининг чуқурлиги, м		Суғориш далаларининг оқилона ўлчами, га		
	Суғоришдан ва ювишдан олдин	Ювишдан кейин	Оғир тупроқ	Ўрта тупроқ	Енгил тупроқ
1	2	3	4	5	6
Кучсиз	2-3	1-2	16-36		
Ўрта ва кучли	2-3	1-2	4,1-5,9	7,2-10,4	16,2-23,4
Кучсиз	1-2	1-2	7,2-10,4	11,3-16,3	16,3-23,4
Ўрта ва кучли	1-2	1-2	2,8-3,4	4,1-5,9	7,2-10,4
Кучсиз	0-1	1-2	1,8-2,6	2,8-4,1	5,5-8,0
Ўрта ва кучли	0-1	1-2	1,0-1,5	1,8-2,6	4,1-5,9

Эрозияга хавфли ҳудудлардаги суғориладиган майдонларнинг ҳажмига ушбу ҳудуднинг эрозия ҳимояси шароитлари таъсир қилади. Шамол эрозияси бўлса, далани ҳимоя қилувчи ўрмон полосалари орасидаги масофалар чекловчи таъсирга эга ва суғориш эрозияси бўлса, суғориш жўякларининг рухсат этилган узунлиги ва оқим тезлиги эга бўлади.

Суғориш участкаларининг кенлиги тупроқнинг механик таркибига, шўрланиш даражасига ва ўрмон полосаларининг ҳимоя қилиш ҳудудларининг жойлашишига боғлиқ. Ҳимоя ҳудудларининг тавсия этилган кенлиги 300-400м. Суғориш участкаларидаги суғориш жўякларининг сони қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$N_6 = \frac{B}{a}, \quad (4)$$

бу ерда: B- суғориш участкасининг эни, м;

a- қаторлар орасидаги масофа (0,6-0,9 м)

Бир вақтнинг ўзида суғориладиган жўякларнинг сони қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$N_6^o = \frac{Q^{y.p}}{R}, \quad (5)$$

бу ерда: $Q^{y.p}$ – участка сув тақсимлагичининг сув сарфи, л / с;

R - жўякда сув оқими тезлиги, м/с.

Икки кун давомида суғорилган жўякларнинг сони қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$N_6^c = \frac{T_c N_6^o}{R}, \quad (6)$$

бу ерда: T_c -икки кун давомида суғориш муддати, / 32-36с /;

T - бир вақтнинг ўзида суғориладиган жўяклардаги суғориш муддати, с.

Суғориш участкасининг узунлигини куйидаги формула билан аниқлаш мумкин.

$$A = \frac{N_6^c}{N_6} \cdot L, \quad (7)$$

бу ерда: L- жўякнинг узунлиги, м

Олимлар томонидан баъзи тупроқлар учун турли хил қияликларда йўл қўярли сув сарфи ва жўяклар узунлиги тажрибалар орқали ўрнатилган (7-жадвал)

Суғориш участкаси ер майдони ўлчами куйидаги формула бўйича аниқланади.

$$P = \frac{A \cdot B}{10000}. \quad (8)$$

Суғориш эрозиясига учраган ерлардаги суғориш участкалари майдонларининг оптимал ўлчамини аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижалари 8–жадвалда келтирилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдор-лигининг пасайиши, баъзи ҳолларда эса бой берилиши сув тақчиллиги муаммоси билан боғлиқ. Бу вазиятни юмшатиш ва ирригация эрозиясининг олдини олиш учун суғориш тизимида тежамкор технологияларни жорий этиш, сувнинг беҳуда исроф бўлишининг олдини олиш талаб этилади.

7 -жадвал

Қашқадарё вилояти учун суғориш техникасининг тавсия этилган элементлари


Тупроқ механик таркиби, сув ўтказувчанлик	Кўрсаткичлар*	Суғориш жўяклари нишаблиги			
		0,01	0,007	0,002	0,0005
Қумлоқ ва енгил қумоқ, жуда кучли ўтказувчан	R	0,50	0,75	1,50	1,00
	L	100	150	200	150
	T	4,7	4,7	3,1	3,3
Енгил қумоқ, юқори ўтказувчан	R	0,40	0,75	1,00	0,75
	L	150	200	300	250
	T	9,2	6,3	6,7	6,7
Ўрта қумоқ, ўртача ўтказувчан	R	0,25	0,50	0,75	0,50
	L	175	250	300	300
	T	15,0	11,7	8,35	10,0
Оғир тупроқ, паст сув ўтказувчан	R	0,20	0,25	0,30	0,50
	L	200	300	400	350
	T	23,4	26,7	28,4	15,0
Гил, заиф ўтказувчан	R	0,10	0,15	0,20	0,25
	L	150	200	300	400
	T	35,0	30,0	33,3	35,0


*М.Д.Челюканов, Г.А.Безбородов, Х.Т.Ташев маълумотлари асосида тузилган. х). R- жўякда сув сарфи, сув оқими тезлиги, л / с.; L- жўякнинг узунлиги, м; T- бир вақтнинг ўзида суғориладиган жўяклардаги суғориш муддати, с.

Суғориш участкасининг тавсия қилинаётган оптимал майдонлари

Тупроқ механик таркиби, сув ўтказувчанлик	Участка сув тарқаткичларининг сув сарфи, л/с	Участкалар майдонлари,га			
		0,01	0,007	0,002	0,005
1	2	3	4	5	6
Қумлоқ ва енгил қумоқ кучли ўтказувчан	200	18,0	18,0	18,0	18,0
	250	21,0	22,5	24,0	22,5
	300	24,0	27,0	30,0	27,0
Енгил кучли қумоқ, юқори ўтказувчан	200	18,0	18,0	18,0	22,5
	250	22,5	24,0	27,0	30,0
	300	27,0	30,0	27,0	30,0
Ўрта қумоқ, ўртача ўтказувчан	200	21,0	15,0	18,0	27,0
	250	26,2	22,5	27,0	27,0
	300	31,5	30,0	27,0	36,0
Оғир тупроқ, паст сув ўтказувчан	200	18,0	18,0	12,0	21,0
	250	24,0	27,0	24,0	21,0
	300	30,0	27,0	24,0	31,5

Томчилатиб суғориш сув ресурсларини тежашга ва ирригация эрозиясини тўхтатишга қаратилган. Бунда суғориш режимининг ўзига хослиги уни ер нишаблиги нисбатан юқори бўлган ерларда ҳам қўллаш имконини беради. Энг муҳими, томчилатиб суғоришда сув ўсимликка шланглар воситасида етказиб берилганлиги учун дала тупроғи қотмайди, натижада қатор ораларига ишлов беришга эҳтиёж туғилмайди. Тупроғи қотмаган майдон эса мавсум охирида сифатли ва осон ҳайдалади. Ўғит сув билан бирга берилганлиги боис, ўғитлаш учун техника ишлатишнинг зарурияти йўқолади (4-расм). Натижада меҳнат ва ёнилғи-мойлаш материаллари тежаллади. Далада сувчиларнинг қўл меҳнати кескин камаяди. Илмий тадқиқот ишларини ўтказиш жараёнида З.Фармонов номли фермер хўжалиги ҳудудида 42.0 га майдонда сув тежамкор томчилатиб суғориш лойиҳаси ишланди. Олинган натижалар 9 - жадвалда келтирилган.





4-расм. Томчилатиб суғориш участкаларининг лойиҳаси

9- жадвал

Далалар ва суғориш участкаларининг жойлашишини баҳолаш учун таққослама жадвал (З.Фармонов номли фермер хўжалиги мисолида)

№	Кўрсаткичлар	ер тузиш йилига	лойиҳа бўйича
1	2	3	4
1	Ердан фойдаланиш коэффициенти (ЕФК)	95.37	98.32
2	Алмашлаб экиш майдони, га	90.9	93.75
3	Йўллар тагидаги майдон, га	0.9	0.3
4	Ҳайдалма ерларнинг соф майдони, га	90.0	93.45
5	Суғориш участкалари сони	4	4
6	Суғориш участкасининг ўртача майдони, га	22.73	23.44
7	Энг узок участкалар орасидаги масофа, м	1050	1050
8	Ўртача ишлов бериш масофаси, м.	740	860
9	Ишчи йўналишдаги нишаблик, %	13.3	9.1
10	Айланиш полосаларининг умумий майдони, га	15.2	8.21

Ер тузиш лойиҳаларида қўлланиладиган қишлоқ хўжалик ер турлари таркиби ва майдонлари массивнинг табиий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик шароитларини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилди ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги гектарига 2-3 центенерга ошириш имконияти вужудга келди. “Сув тежовчи” технологияларни қўллаш натижасида эса сув сарфи гектарига 30-40%, ишлаб чиқариш харажатлари 20-25% га камайди. Самарадорлик кўрсаткичи 22% га ошди.

ХУЛОСАЛАР

Эрозияга учраган ҳудудларда ер тузишни такомиллаштириш (Қашқадарё вилояти материаллари мисолида) мавзусида олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларига кўра қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича жаҳонда, жумладан, АҚШ, Хитой, Россия ва бошқа давлатларда эрозия хавфи бор ҳудудларда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш соҳасида эришилган ютуқлар ва улардан фойдаланиш йўллари ўрганилди. Тадқиқотлар натижасида ички ер тузиш лойиҳасини ишлашнинг услубий асосларини такомиллаштириш имконияти яратилди;

2. Эрозия хавфи бор ҳудудларда ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи барча омиллар таъсири ўрганилди. Тадқиқотлар натижасида хўжаликда ички ер тузишга таъсир этувчи омиллар таркиби тизимлаштирилди.

3. Қишлоқ хўжалигида экинлар суғориш участкаларида экилади. Шу сабабли, барча эрозияга қарши тадбирлар суғориш участкасида лойиҳаланиши керак.

4. Шамол эрозиясига учраган ерларда суғориш участкаларини лойиҳалашга шамол кучи ва йўналиши таъсир кўрсатади. Бизнинг изланишларимиз суғориш участкаларининг рационал майдонлари 17.0 гектардан 34.0 гектаргача бўлиши кераклигини кўрсатади.

5. Ирригация эрозиясига учраган ерларда суғориш участкаларининг майдони ер участкасининг нишаблигига боғлиқ ва 6-26 га қилиб лойиҳаланиши керак.

6. Шўрланган ерларда суғориш участкасининг майдон ўлчамига ерларнинг шўрланиш даражаси ва сизот сувларининг жойлашиш сатҳи таъсир кўрсатади. Бизнинг изланишларимиз натижаси уларни шўрланмаган тупроқларда

16-36 га, кам шўрланган ерларда 16-23 га ва ўрта кучли шўрланган тупроқларда 7-10 га қилиб лойиҳалаш кераклигини кўрсатди.

7. Ирригация эрозиясининг ва иккиламчи шўрланишнинг олдини оловчи томчилатиб суғориш технологияси ҳисобланади ва бу технологияни самарали қўллаш учун суғориш участкаларининг майдони 18-31 га бўлиши керак.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ
ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ
И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

ХУЖАКЕЛДИЕВ КОМИЛ НОСИРОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЗЕМЛЕУСТРОЙСТВА НА ТЕРРИТОРИЯХ,
ПОДТВЕРЖЕННЫХ ЭРОЗИИ
(на материалах Кашкадарьинской области)**

06.01.10 – «Землеустройство, кадастр и мониторинг земель»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В.2020.4.PhD/T2033

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tiame.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Авезбаев Садулла доктор экономических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Суюнов Абдусоли Саматович доктор технических наук, профессор Хамидов Файзулло Рамазонович доктор философии (PhD) технических наук, доцент.
Ведущая организация:	Ташкентский архитектурно строительный институт

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2021 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства по адресу: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязий 39, тел.: (+99871)- 237-22-67, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства. (регистрационный номер № _____). Адрес 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязий 39, тел.: (+99871) 237-19-45.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2021 года.)

Т.З.Султанов
Председатель научного совета
по присуждению ученых
степеней, д.т.н., профессор.

Ф.А.Гаппаров
Ученый секретарь научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.т.н., доцент.

Э.Ю.Сафаров
Председатель научного
семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Ведущая роль в организации эффективного использования имеющихся земельных ресурсов на эродированных зонах в мире принадлежит применению ресурсосберегающих технологий. Организация эффективного использования земель на эродированных территориях по всему миру, требует внедрение в практику новых методов составления проектов землеустройства. В связи с этим, особое внимание уделяется осуществлению работ по землеустройству с учетом методов иностранных государств по эффективному использованию земельных ресурсов, защите земель на эродированных территориях. С этой точки зрения, эффективное использование земельных ресурсов, внедрение передовых современных методов проектирования орошаемых участков на эродированных территориях имеет важное значение.

По всему миру ведутся научные исследования, направленные на разработку новых научно-технических решений по эффективному использованию имеющихся земельных ресурсов, организации в проектах землеустройства оптимального использования сельскохозяйственных земель на эродированных территориях и землях, подверженных риску эрозии. Актуальным является снижение вредного воздействия окружающей среды на территориях с риском подверженности водной и ветровой эрозии, совершенствование методов эффективного использования каждого участка земли с учетом природных и экономических условий, требований по защите земель от эрозии, разработка геосистемных комплексов, позволяющих предотвратить эрозию при землеустройстве, создание технологий, позволяющих эффективное использование земель, защиту почв от эрозии, повышение плодородия земель.

В этом особое внимание уделяется исследованиям направленным на повышение эффективности работ, в определении методов по определению и оптимизации состава земельных угодий, прикрепляемых к землепользователям.

В республике осуществляются масштабные меры по совершенствованию работ по землеустройству на территориях подверженных эрозии, в результате которых достигаются определенных успехов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, в частности определены важные задачи по «...модернизации ускоренному развитию сельского хозяйства, последовательному развитию производства сельскохозяйственной продукции, дальнейшему укреплению безопасности продовольственной продукции, расширению производства экологически чистых продуктов, заметному повышению экспортного потенциала аграрного сектора.....»¹ . При реализации данных задач важное значение имеет проведение научных

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий дальнейшего развития Республики Узбекистан» № УП-4947.

